



НОРАЦИОНАЛ ОҚСИЛЛИ ОВҚАТЛАНИШДА ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК БРУННЕР БЕЗЛАРИДАГИ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

Алибеков К.А

педиатрия факультети 1-курс талабаси

М.А.Хайдаров

О.О.Алибеков

Илмий раҳбар, Патологик анатомия
ва суд тиббиёти кафедраси

Оқсил организмда муҳим органик модда бўлганлиги сабабли, кунлик озиқ – овқат таркибидаги оқсил миқдори меъёрида бўлиши керак. Норационал оқсилли овқатланишда ўн икки бармоқли ичак (12 б.и.) шиллиқ ости катламидаги Бруннер безларида мосланиш жараёнларида кечаётган гистологик ўзгаришларни аниқлаш.

Материал ва методлари: Бунинг учун бир ойгача умумий тана вазни 120-160 граммли, 100 дона жинсий жиҳатдан етук, эркак, оқ каламушларда тажрибалар олиб борилди. 12 б.и. тўқимаси гистологик препаратлар тайёрланиб, гематоксилин - эозин бўёғи ва Ван-Гинзон усули билан бўялди. Морфометрик текширувлар ўтказилди.

Илмий иш натижалари: Назорат гуруҳидаги ҳайвонларнинг 12 б.и. девори шиллиқ остки қаватидаги секретор Бруннер безларининг охирги ацинус қисми сийрак бириктирувчи тўқима ва капилляр тўри билан қопланганлиги, ацинусларнинг шакли овал ёки думалоқ, таркибида 6-7 дона секретор ҳужайралар тутиши кузатилди. Бруннер безларининг охирги

секретор ацинуслари диаметри $48,7 + 4,9$ мкмни ташкил этди.



Оқсил юкламали уч кун муддатдаги тажриба ҳайвонларининг 12 б.и. девори шиллик ости қатламидаги Бруннер безларни секретор ацинуслари диаметри $53,2 + 5,1$ мкмга тенглиги аниқланди.

Етти кунлик оқсилли юклама тажрибалар якунида Бруннер безларининг секретор ацинуслари диаметри $60,7 + 4,3$ мкмни ташкил этди.

Тажрибани 15- кунида шиллик ости пардасидаги Бруннер безларни секретор ацинуслари диаметри $75,5 + 5,1$ мкмга тенг бўлди.

Тажрибани 30- кунида Бруннер безларининг секретор ацинуслари овалсимон ва шарсимон шаклда бўлиб, уларнинг диаметри $84,7 + 7,1$ мкмга тенг бўлиб, бу кўрсаткич тажриба якунига келиб $34,0$ мкмга, яъни 40%га ортди. Без секретор хужайралари цитоплазмаси шиллик секрет билан тўла, бўялиши анчагина оқиш, фақат ацинус атрофидаги бириктирувчи тўқима тўқ бўялиши билан ажралиб турди.

Хулоса: Оқсил юкламали озикланиш 12 б.и. шиллик ости Бруннер безларига салбий таъсир этиб, унинг зўриқиши натижасида секретор фаолияти бузилиб, безларнинг ҳажми ортишига олиб келди.